

## А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил август ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди, Фурқат туман Қўқонбой маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, очик сайёр суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг раиси Т.Вахобовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Халиловнинг котиблигида, тарафлардан Фурқат туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Абдурахимов, гумонланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Қўқон шаҳар “Чорсу Фемида” адвокатлар ҳайъати адвокати Ж.Шомуродовнинг иштирокида, жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED]нинг иштирокида,

[REDACTED]  
( [REDACTED] ),  
1991 йил 09 сентябрь куни Фурқат туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, дупатут эмас, давлат муқофотлари билан тақдирланмаган,  
[REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1519-2201/184-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2022 йил 29 июль куни соат 16:00 лар атрофида ўзига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли 40 P 205 JA давлат рақам белгили автомашинасида Фурқат тумани, Қўқонбой қишлоғидан ўтган “Қўқонбой-Чилгижийда” йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб кетаётган вақтида, амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидаси”ни 11-бандида кўрсатилган “Ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” деган 77-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у



тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган қоида талабларни қўпол равишда бузиб, ўзи ҳаракатланиб кетаётган йўл бўлагида ҳаракатланиб кетаётган пиёдачилар [REDACTED] ва вояга етмаган [REDACTED] [REDACTED] ни бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинаси олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ходисаси содир этган. Натижада пиёдачи [REDACTED] га оғир тан жароҳати, вояга етмаган [REDACTED] ни баданига енгил даражадаги тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлиб, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 04 август кунги 5156-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] да бош мия ёпиқ шикасти, пешона суягини олдинги ва орқа деворларини, ўнг кўз орбита суягини лотерал, медиал ва юқори деворларини, чап гаймор бўшлиғини олдинги ва орқа деворларини ёпиқ синишлари, бош мия тепа-ноғора пардасини йиртилиши, пешона ўнг томонида, ўнг билакда, ўнг ва чап оёқ ташқи тўпиқ сохаларида шилинмалари, ўнг ва чап кўз атроф қовоқ сохаларида, чап тизза бўғимида қонталашлари аниқланиб, бу тан-жароҳатлар хаёт учун хавфли бўлган “оғир” тан жароҳатлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 04 август кунги 5155-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган [REDACTED] да пешона ўнг томонида, ўнг кўз ташқи бурчак соҳасида, ўнг ёноқ соҳасида, бели ўрта қисмида шилинмалари аниқланиб, бу тан-жароҳатлар тез ўтиб кетадиган Енгил тан-жароҳатлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида гумонланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумонланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи [REDACTED] ва вояга етмаган [REDACTED] ларнинг соғлигига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи вакили [REDACTED] билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганликлари ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, жабрланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи экани, жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] уни ўғли эканлигини, гумонланувчи [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, [REDACTED] унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] ўғли вояга етмаган [REDACTED] нинг соғлигига етказилган жами 16.000.000 сўм моддий ва маънавий зарарларини тўлиқ қопланганлиги, гумонланувчига бошқа моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан



тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроф бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, гумонланувчи [ ] ва жабрланувчи қонуний вакили [ ]нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Фурқат туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Абдурахимов ва гумонланувчи [ ]нинг ҳимоячиси адвокат Ж.Шомуродовнинг жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчи [ ]нинг муқаддам судланмагани, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи вакили ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги ва ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, [ ]га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи қонуний вакили [ ]га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан [ ] ( [ ])га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонларни ўзаро ярашилганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи қонуний вакили [ ]га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Т.З.Вахобов

